

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ**287** Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарорига мувофиқ, шунингдек фуқароларнинг, энг аввало йигирма ёшга тўлмаган фуқароларнинг соғлиғи алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 10 июнь,
199-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 10 июндаги 199-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида
чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида
умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб
чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»
2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида:

а) 60-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

«болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар ассортиментини бошқа товарлари кўринишида;

сотиш жойларида алкоғолли ичимликлар йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилмаслиги, шунингдек алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисида огоҳлантирувчи ёзувлар бўлмаганда;

алкоғолли маҳсулот идишида ёки тамаки маҳсулоти кутисида (ўрамида) алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги матн ва (ёки) расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаганда»;

иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 60¹-банд қўшилсин:

«60¹. Алкоғолли маҳсулотларни ва тамаки маҳсулотларини сотаётган сотувчи кўриниши йигирма ёшдан кичик кўринган харидордан унинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоғолли маҳсулотларни ва тамаки маҳсулотларини сотишни рад этиши шарт».

2. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларида:

а) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш жараёнида тайёр маҳсулотлар ва харид қилинган товарлар истеъмолчининг хоҳишига кўра тегишли идишда ва ўрамда олиб чиқиб кетилиши мумкин, алкоғолли ичимликлар бундан мустасно.

Алкоғолли ичимликларни олиб чиқиб кетиш учун сотишга йўл қўйилмайди»;

б) 20-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Алкоғолли маҳсулотларни сотиш жойларида уларнинг йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилмаслиги, шунингдек алкоғолли маҳсулотларнинг

инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув бўлиши лозим».

в) қуйидаги мазмундаги 20¹-банд қўшилсин:

«20¹. Алкоголли маҳсулотларни:

савдо автоматлари орқали;

болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар ассортименти бошқа товарлари кўринишида;

сотиш жойларида алкоголли ичимликлар йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилмаслиги, шунингдек алкоголли маҳсулотларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар бўлмаганда;

алкоголли маҳсулот идишида алкоголли маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги матн ва (ёки) расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаганда;

йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш тақиқланади.

Алкоголли маҳсулотларни сотаётган сотувчи кўриниши йигирма ёшдан кичик кўринган харидордан унинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоголли маҳсулотларни сотишни рад этиши шарт».